

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR
PAGES

JOCAA

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 3

MAY | 2023

КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2023

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-3>

БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиёв Иқбол

Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор

Ходжаметова Гулчира

Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Абдувоҳидов Фахриддин

Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Кадиров Рамз Турабович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур

Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудир, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида

Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудир, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон

Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло

Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

РАХМОНОВ Улуғбек Авазбекович*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Санъатишунослик институти, стажёр-тадқиқотчи
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7973630>*

КЎҲНА АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқ амалий санъати турларидан бири бўлган ганч ўймакорлик санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихи, ривожланиш омиллари, унинг анъанавий меъморчиликдаги бадиий безак сифатидаги ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ганчкорлик, Тупроққала, Далварзинтепа, Варахша, Термизшоҳлар саройи, Афросиёб, ганч, макбара, мукарнас, меъмор.

РАХМАНОВ Улуғбек Авазбекович*Академия Наук Республики Узбекистан
Институт искусствознания, стажер-исследователь*

ДРЕВНОЕ ПРИКЛАДНОЕ ИСКУССТВО

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об истории резьбы по ганчу, являющейся одним из видов узбекского народно-прикладного искусства, в древности и средневековье, тенденции развития и его место как художественного декора в традиционной архитектуре.

Ключевые слова: ганчкорлик, Тупрок-кала, Дальверзинтепа, Варахша, Дворец Термизшахов, Афрасиаб, ганч, мавзолей, сталактида, зодчий.

Rakhmanov Ulugbek Avazbekovich*Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Institute of art studies, trainee-researcher*

ANCIENT DECORATIVE ART

ANNOTATION

The article tells about the history of ganch carving, which is one of the types of Uzbek folk arts and crafts, in antiquity and the Middle Ages, development trends and its place as an artistic decor in traditional architecture.

Key words: ganch carving, Tuprok-kala, Dalvarzintepa, Varakhsha, Termizshah's Palace, Afrasiab, stucco, mausoleum, stalactid, architect.

Амалий санъат -халқнинг турмуш санъатидир. Кўп асрлар давомида ўзбек халқи бу санъатнинг бой ҳамда ранг-баранг амалий-бадий анъаналарини яратиб келган. Унинг энг муҳим белгиси бадий ижод билан моддий талабнинг чамбарчас боғланганлигидир; бадиий ва ижтимоий-амалий заруриятнинг ўзаро узвий боғлиқлиги уларнинг ғоявий-бадиий ва ижтимоий-амалий моҳиятларининг бирлигини вужудга келтиради [5, Б.23].

Кўхна тарих ёдгорликларини ўрганар эканмиз, ўймакорлик санъати оддий пахса, деворлардан бошланиб, кейинроқ ганчкор безакларга ўтганини кўраемиз. Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, дунё меъморчилигида, шу жумладан Эрон, Туркия, Арабистон, Афғонистон ва бошқа Шарқ мамлакатлари меъморлари ижодида ўз аксини топган ва ўзига хос гўзаллиги, билан кўзни қувонтиради. Ўрта Осиё худудида яратилган, қадимги даврга оид бадий безак санъат асарлари (Тупроққала, Варахша, Термизшоҳлар саройи, Афросиёб) ўзига хос бадиийлиги, композицияси, ишланиш услуби билан ажралиб туради.

Археологик қазилмалар ва илмий изланишлар натижасида топилган қадимий шаҳар қолдиқлари, осори атиқалар, деворий суратлар, Бухоро ҳуқумдорларининг Варахша (X-VII асрлар) саройидаги кишиларнинг, жониворларнинг ҳайкалсимон (горельеф) турли тасвирлари [1, Б.5] ўйма ганч безаклари, Ўзбекистон худудида илк меъморчиликда, қўлланган амалий-безак санъати турлари ҳақида маълумотлар беради. Жумладан, қадимги Далварзинтепа, Қоратепа, Тупроққала, Варахша, Афросиёб каби археологик ёдгорликлардан топилган ҳайкаллар, деворий суратлар, ганчкорлик намуналаридан, Ўзбекистон меъморчилигида ганчнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихини билиб олиш мумкин.

Қадимда ганч тайёрлашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлган. Охактош ва гипс тошлари махсус печларда қиздириш натижасида кукун холига келтирилган ва унга турли ўсимлик шираси, дарахт елими ва бошқа унсурлар қўшиб ганч ҳосил қилинган. Ганч ўзига хос эластиклик хусусиятига эга. Кесиш учун юмшоқ ишлов беришда қулай хом ашё ҳисобланади. У секин-аста қотади ва тўла қотгандан сўнг қаттиқ холатга келади. Шунинг учун ҳам ганч Ўрта Осиёда бинолар қуриш ва уларга пардоз беришда қадимдан ишлатилиб келинади. Ганч асосан икки хил бўлади: табиий ганч ва сунъий ганч. Табиий ганчдан жуда қадим замонлардан бери фойдаланиб келинган. Гипстош аввал майдаланган, сўнгра унга ўсимлик шираси қўшиб ганч тайёрланган. Сунъий ганч эса, юқорида айтганимиздек, гипс тошларни махсус печларда қиздириш йўли билан олиниб, бинолар қуришда ва биноларнинг ички ҳамда ташқи қисимларини суваб, ўйма безаклар беришда ишлатилган. Ганч IX-X асрларда пишиқ ғиштлардан деворлар қўтаришда асосий хом ашё бўлган [2, Б.11].

Ганч чидамли, ўзидан совуқ ва иссиқни жуда кам ўтказади. Бу хусусиятларини билган халқ усталари, уйларнинг девор ва шифтларини, ҳаттоки пол қисмини ҳам ганч билан суваганлар. Ганч юқори босимга, ёрилишга, намгарчиликка чидамли ва эластик хусусиятга эга бўлгани, бунда қўл келган. Ганчнинг таркибига керакли моддалар қўшилганда, уни қурилишда цемент ўрнида ва нисбатан енгил бўлгани сабаб меъморчиликда гумбазларни ишлаш, нозик ғишт териш ҳар хил ўймали куймалар тайёрлашда фойдаланилган. Масалан, ганч бетонга қараганда 38-40% енгил ҳисобланади. У ёпишувчан, қотиш жараёнида торайиш ўрнига кенгаяди, бу эса конструкцияларни янада мустаҳкам боғлаб туради.

Ганч Ўрта Осиёда қадимдан қуйидаги усулда тайёрланган: махсус печларда гипс харсанг тош бўлақлари 6-7 соат давомида тахминан 120-150 даража иссиқликда қиздирилган, кейин эса аста-секин совутилган. Гипс тошларни қиздириш натижасида ундаги намлик камайиши тошнинг парчаланишига олиб келган. Ундан сўнг гипс тошлар махсус ховончаларда майдаланган, кейин ғалвир ва элакдан ўтказилиб сифатига қараб сортларга ажратилган. Бундай саралаш энг майда ва тоза ганч кукунли - гул ганч, бироз йирикроқ кукунли ва сифатсизроғи тез ганч деб аталган. Қолган майда аралашмалар гипсни (яъни учинчи сортини) алебастр - (йирикроқ қилиб майдаланган гипс) деб атаганлар. Гул ганч ўймакорликда пардоз сувоқ беришда ва ўйма ишларни бажаришда ишлатилган [6, Б.8-17].

Тез ганч гул ганчнинг заминиди, сувоқ ишларида, йирик ўймаларда ва асосан ғишт теришда ишлатилган.

Меъмор усталар ганчнинг сифатли бўлишига катта эътибор беришган. Унинг сифат даражаси гипс тошнинг қанча температурада қиздиришга ва қотиш вақтига боғлиқ эканини яхши билишган. Масалан, гипс тошлар 200 -250 даража иссиқликда қиздирилса, ҳосил бўлган ганчнинг қотиши секинлашиб, қуввати ошган. 400 даража ва ундан баланд иссиқликда қиздирилганда еса, у ёниб куйган, яъни ишга яроқсиз бўлиб қолган. 200-250 даражадан кам қиздирилган ганчнинг қуввати паст ҳисобланган.

Қадимги мисрликлар тошдай қотиш хусусиятига эга бўлган ганч тайёрлашни билишган [3, Б.28]. Бу ганч турини гипс тошларни 800 даража иссиқликда қиздириб, аста-секин совитиш натижасида олганлар. Машхур пирамида эҳромларини қуришда шундай ганчдан фойдаланишган. Бухорода қадимги Варахша ёдгорлигида шундай ганчдан ясалган рельеф ҳайкаллар намуналари топилган. Аммо йиллар ўтиб бундай ганч тайёрлаш усуллари унутилиб, йўқолиб кетган. Кейинчалик эса асосан паст 120-150 даража иссиқликда қиздириб ҳосил қилинган ганчлар ишлатилган.

Ганчнинг секин қотиши учун унга ариқ суви қўшилган. Лекин бу усулда унинг қуввати пасайган. Шунинг учун ганчга сирач (адир ва тоғларда ўсувчи ўсимлик) қўшиб ишлатганлар. Сирач ганчнинг секин қотишини таъминлаган ва унинг қувватини оширган. Сирач қўшилган ганчнинг мустаҳкамлиги 45 фоизгача ошган. Ганчнинг мустаҳкамлигини оширишда тухум оқи, зиғир ёғ, десктрин, стеарин, казеин елими қоришмаси ва мум қўшганлар. Биноларнинг деталлари, устун, ҳайкалчалар, шарафа, муқарнас, ҳажмли безакларлар ва бошқа нарсаларни қўйма усулда (қолиплар ёрдамида) олишда ганчга сут, казеин елими ва бошқа нарсалар қўшганлар. Булар ганчнинг қувватини янада оширган. Усталар ҳаммомларнинг ички қисмлари мустаҳкам бўлиши учун сувоқ ишларида “қир” қоришмадан фойдаланганлар [3, Б.13-17] “Қир” таёрлаш қўйидагича бўлган: бир челақ ганч, бир челақ оҳақ, бир челақ қум, қўмир кукуни ҳамда ҳар хил қамиш қулини бирга қўшганлар. Бу қоришмани оловга қўйиб 10-12 соатлар чамаси аралаштирилиб чиққанлар. Кейин кичик ёриқларни йўқотиш учун сутга қорилган ганч билан устидан суваганлар. Бундай усуллар ганчнинг мустаҳкам, намгарчиликка чидамли ва узоқ муддат туришида асосий омил бўлиб хизмат қилган.

Ганчкорлик санъати тарихини, уч босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу тарихий босқичлар:

- 1) антик давр ганчкорлик санъати;
- 2) ўрта асрлар ганчкорлик санъати;
- 3) XX аср ва мустақиллик даври ганчкорлик санъати.

Антик давр ганчкорлик санъати. Марказий Осиё меъморчилигида антик давр (мил. авв. IV -мил. IV асрлар)га келиб алоҳида истехкомлар характерига эга бўлган хўжалик уйларнинг салмоғи устунлик қилади. Оилавий мулклар ёки шаҳар турар-жойлари, улар таркибига уйлар мажмуаси, ҳукмдор қалъаси ва ибодатхоналари киради. Маҳобатли иншоотлар йирик лой ғишт ва ғишт блокларидан қурилган. Деворлари лой ёки ганч (махаллий алебастр тури) билан сувалган. Қадимги даврларда ҳам маҳобатли безак санъати ривожланишнинг юқори босқичида бўлган. Қурилиш техникаси эса бутун меъморчилик услуби билан, чамбарчас боғлиқ бўлиб, у кейинчалик Юртимизнинг алоҳида ҳудудларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё вилоятида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлигидан, археологик қазилмалар натижасида, лойдан ясалган турли ҳайкаллар ва деворий суратлар топилган бўлиб, Ўзбекистонда мил. авв. IV аср -мил. III асрларда меъморчиликда ганч хом-ашё сифатида қўллана бошлаганидан далолат беради. Буддавийлик ибодатхонаси ичидан топилган ҳайкаллар асосан лойдан ясалган бўлиб, юза қисми юпқа ганч билан қопланган ва майда безаклари ганчдан ясаиб ранг берилган ёки тилла суви қопланган эди. Деворлар асосан лойдан бўлгани боис, ганч ёрдамида текислаб сувалган, сўнгра турли деворий суратлар туширилган.

Ганчнинг аста-секин қотиш хусусияти юза қисмларга ишлов беришга қулай бўлган. Ганч дастлаб маҳаллий усталар томонидан гипстош ва оҳактошга мураккаб ишлов бериш натижасида ҳосил қилинган учун фақатгина махсус иншоотлар, ибодатхоналар, турли маросимларга мўлжалланган хоналар ва бой амалдорлар турар жойларини безашда қўлланилган.

Хоразмдаги Тупроққала (III аср), Бухородаги Варахша (V-VII асрлар) саройларидан топилган деворий безаклар ганчкорликнинг юксак санъат намуналари қаторидан ўрин олади. Варахшадаги сарой бинолари, ганчдан ясалган турли мавзулар, зиёфатлар, жанглар, ибодат маросимлари, ов манзаралари, сарой ҳаёти ва бошқалар тасвирланган. Деворга ишланган бўртма ганч нақшлар ва расмлари мавзусида муҳим ўринни, майда ва афсонавий ва эпик нақшлар, афсонавий қаҳрамонларнинг ҳайвонлар ва ёввойи ҳайвонлар билан кураш сахналари егаллайди. Ҳаёлий ва ҳақиқий ҳайвонлар ва қушларнинг тасвирлари ҳам маҳорат билан тасвирланган (-расм). Ушбу расмларнинг ўзига хос хусусияти, тасвирнинг контурларини қора ёки қизил чизик билан ажратиш бўлган. Шаклларнинг текисликдаги шартли композициялари томон тортиш кучи кучайтирилган. Ва тасвирлар оқ, қора, қизил, қуюқ кўк фонларга жойлаштирилган. Фрескалар лой деворларига алебастр астарининг ингичка қатламига бўялган. Сувга ёпиштирувчи моддалар қўшилиб суялтирилган минерал бўёқлар қуруқ ерга суртилган. Хатто усталар Варахшадаги саройни, ҳайкалтарошлик билан безашда халқ безаклари нақшлари, қадимий фолклор ертақлари, ҳаёлий ва ҳаёлий флора ва фауна элементлари ишлатишган [7, Б.8-35].

Геометрик ва гулли нақшлар, шунингдек, узумзорлар, барглар ва узум дасталарини нисбатан еркин талқин қилинган тасвирлари муҳим ўрин егаллайди. Ганчда ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик безакларини яратилиши, қадимги қалъа шаҳри ўрнига, феодаллар қасрларининг қурилиши ва қишлоқ атрофидаги қишлоқ хўжалик уйлариининг қурилиши билан бошланган. Феодал, хунармандчилик ва савдо шаҳарлари ва аҳоли пунктларини безашда, қадимий усталар мураккаб нақшларни ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларидан олиб, стиллаштириб ишлаганлар. Ганч деворга, устун ва пештоқларга қалин қилиб сувалиб, нақшлар тасвири ганчнинг ўзига ўйиб ишланган. Деворларда ишланган бўртма ҳайкаллар маълум бир композицини ташкил қилган. Уларнинг ҳар бири, бутун бир давр санъати услубидан дарак беради.

Қадимий Самарқанд Афросиёбдаги қатор иморатлар (X-XII асрлар) нафис ва нозик ганчкорлик безаклари билан мафтун этади.

Афросиёб ёдгорлиги (VI-XII асрлар) нафис ва нозик ганчкорлик безаклари билан ноёб деворий суратлари билан мафтун этади. Афросиёб ёдгорлиги деворий суратлари ҳам, лой деворга ганчли сувоқ юзага чизилгани билан аҳамиятлидир. Сомонийлар мақбараси (X аср) Бухорода меъморилик санъати, нақадар юксалганлигини ва ривожланганлигини кўрсатади. Ана ўша даврдан бошлаб, бинокорликда юқори сифатли пишган ғишт, албастрли коришмалар ишлатилган. Арабона мақбарасида (X аср) ҳам етук шаклдаги мураккаб ганч безакларини учратамиз. Ўзбекистон ҳудудида илк бор Арабона мақбарасида (997 й)да мураккаб муқарнас ганчкорлик безаклари қўлланган.

Муқарнас -меъморий безак тури, равоқли коса уячаларнинг устма-уст жойлашишидан ҳосил бўладиган мураккаб шаклдир. Меъмориликда асоси 4, 6, 8 бурчак, бўлган меҳроб, тахмон, токча ва бинонинг тепа қисмини гумбаз, ярим гумбаз кўринишига келтиришда, бинолар девори билан шифти оралиғи, устунлар бош қисмини, безатишда кенг қўлланилади. Дастлаб содда шаклга эга бўлган, кейинроқ мураккаб кўринишга кирган ҳамда безак мақсадларида ишлатила бошланган. Муқарнас ишланадиган жойига қараб ҳар хил мураккабликда бўлади [2, Б.148-154].

Ўрта асрлар ганчкорлик санъати. Мовароуннаҳрда XII асрга келиб ганчкорлик санъати раванқ топди, меъмориликнинг асосий беаги даражасига кўтарилди. Термизшоҳлар саройи ва Ҳаким ат-Термизий мақбараларидаги ганч ўймакорлик асарларини ўша давр ганчкорлик санъатининг қомуси десак бўлади [3, Б.28-32].

Макбаранинг ички қисми куфий ва насх услубидаги эпиграфик ёзувлар, гирих ва ислимий шакллардан иборат ранг-баранг ганчкорий нақшлар билан безалган бўлиб, ўз даврининг бетакрор меъморий обидасига айланган.

XIII-XVI асрларга келиб ганч ўймакорлиги билан узвий боғланган ҳолда кошин, сирли парчин (майолика) ва мрамар тошлардан ясалган безаклар кенг татбиқ этилди. Айниқса, XV аср Темурийлар даврида меъморчиликда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бинолар ва иншоотларни куришда Ҳиндистон, Ироқ, Эрон, Туркия ва бошқа ўлкалардан келган меъмор усталарларини жалб этилиши Ўрта Осиё меъморчилиги амалий-безак санъатини янги услублар билан бойишига ва ривожланишига олиб келди (Бибихоним, Гўри амир) Ганчкорлик эса, асосан, бино ичкарасига хос безак сифатида сақланиб қолди ва тараққий этди. XVI-XVII асрларда бунёд этилган Шердор ва Тиллақори мадрасаларини безашда ҳам ганч безакларидан моҳирона фойдаланилганини кўришимиз мумкин [3, Б.48-49].

XVIII аср охири - XIX аср бошларида ганч ўймакорлиги санъатида янги услублар яратилди ва кенг татбиқ этилди. Уларга Хивадаги Тошҳовли саройи, Бухородаги Ситораи Моҳи-хоса мажмуаси, Қўқондаги Худоёрхон саройи, Тошкент шаҳридаги собиқ Половцев уйи(ҳозирда Ўзбекистон халқ амалий санъат музейи) ва бошқаларни мисол келтириш мумкин [4, Б.23-31].

Хулоса қилиб айтганда, ганчкорлик санъати ўзбек халқининг тарихан шаклланган, маданияти белгиларини ўзида чуқур акс эттиради. Ганч ўймакорлиги мафтункор, жозибали, бетакрор санъат тури бўлиб, унинг анъаналари, истеъдодли усталарнинг авлодлари томонидан авайлаб сақланиб, қайта жонлантирилиб ва ижодий ривожлантириб келинмоқда. Уларнинг замон талаби ва вазифаларига мос равишда қўлланилиши, Ўзбекистонда амалий-безак санъатининг муваффақиятли ривожининг зарурий омилидир. Узоқ тарихий ўтмишга эга ганчкорлик санъати, халқнинг бебаҳо бойлигидир. Уни ўрганиш сақлаш ва келажак авлодларга етказиш барчамизнинг бурчимиздир.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Прица И.М. Тошкент ганчкорлиги. -Тошкент, 1960. -60 б.
2. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. -Ташкент: Фан, 1961. -607 б.
3. Ремпель Л.И. Резьба и роспись по ганчу и дереву. -Ташкент, 1962. -188 б.
4. Морозова М.И. Резьба по ганчу. -Ташкент: Изд-во. Г.Гуляма, 1968. -78 б.
5. Морозова А.С.Аведова Н.А.Махкамова С.М. Узбекистон халқ санъати (альбом) - Тошкент, 1979. -234 б.
6. Булатов.С.С. Резьба по ганчу.Тошкент- Ўқитувчи1989й.50-б.
7. Алпаткина.Т.Г.Ганчевой декор Варахши,Материальная культура Востока. Вып. 3.2002.87ст.

ISSN: 2181-4562
DOI Journal 10.56017/2181-4562

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-3

JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-3

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz